

11-11-2019

THE IMPORTANCE OF PSYCHO-ANALYTICAL IMPLEMENTATION IN CREATION OF NATIONAL COLORS

Lobar Umaralievna Mardonova

TSPU named after Nizami Termez branch Teacher of mother tongue and literature

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Mardonova, Lobar Umaralievna (2019) "THE IMPORTANCE OF PSYCHO-ANALYTICAL IMPLEMENTATION IN CREATION OF NATIONAL COLORS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 11 , Article 35.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/35>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

THE IMPORTANCE OF PSYCHO-ANALYTICAL IMPLEMENTATION IN CREATION OF NATIONAL COLORS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ISSN:2181-0427

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2019 йил 11 сон

ПСИХО-АНАЛИТИК ТАСВИРНИНГ МИЛЛИЙ КОЛОРИТ ЯРАТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Мардонова Лобар Умаралиевна
Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали
Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

Аннотация: мақолада Амир Темур шахсига бўлган муносабатнинг ва тарихий ҳақиқатнинг яратилиши тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, бадиий асарда миллий колорит яратишнинг психо-аналитик тасвир моҳиятига ургу берилган. Таҳлилда ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарлар тажрибасига таянган ҳолда хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: мустақиллик, мафкура, кечинма, ички, миллий, моҳият, образ, дунё, ҳаёл, хотира, зиддият

ВАЖНОСТЬ ПСИХО-АНАЛИТИЧЕСКОГО ОПИСАНИЯ В СОЗДАНИИ НАЦИОНАЛЬНОГО КОЛОРИТА

Мардонова Лобар Умаралиевна
Преподаватель родного языка и литературы
Термезского филиала ТГПУ им. Низами

Аннотация: В статье приводятся размышление об отношении к личности Амира Темура и созданию исторической правды. В работе также подчеркивается сущность психо-аналитического образа создания национального колорита. Анализ основан на опыт лучших произведений узбекской литературы.

Ключевые слова: независимость, идеология, восприятие, внутреннее, национальное, сущность, образ, мир, воображение, память, конфликт

THE IMPORTANCE OF PSYCHO-ANALYTICAL IMPLEMENTATION IN CREATION OF NATIONAL COLORS

Mardonova Lobar Umaralievna
TSPU named after Nizami
Termez branch
Teacher of mother tongue and literature

Abstract: The article describes the relationship between Amir Temur and the creation of historical truth. The work also emphasizes the essence of the psycho-analytical image of creating a national color. The analysis is based on the best practices of Uzbek literature.

Keywords: independence, ideology, perception, internal, national, essence, image, world, imagination, memory, conflict

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти ўтмишни ҳаққоний ёритган асарлар билан бойиб бормоқда. Тарихий воқеаларни сохталаштириш, ўтмишда ўтган буюк аждодларимиз образларини бадиий акс эттиришдаги бирёқламалик, тенденциозлик, хукмрон мафкурага қарамликка барҳам берилди. Буюк соҳибқирон

Амир Темур шахсига муносабатда ҳам шу ҳол рўй берди. “Самарқанд осмонида юлдузлар” трилогиясида Амир Темур ҳаёти ва сиёсий фаолияти тўғрисида тарихий ҳақиқат бузиб кўрсатилди. Жасоратли олим, академик И.Мўминов Амир Темурнинг ўзбек давлатчилиги тарихидаги буюк ўрнини ҳаққоний кўрсатиб беришга ҳаракат қилган бўлса ҳам, мафкуравий тазйиқлар туфайли кўп ўринларда чекинишига, ён беришга, бирёкамаликка йўл қўйишга мажбур бўлган эди. Бугунги китобхон ўтмиш тарихимизни асл ҳолича, ҳеч бир бўяб-бежамасдан яратилган асарлар орқали ўрганиш имкониятига эга бўлди. Кейинги ўн йилликда адабиётимизда муҳим воқеа саналган Муҳаммад Алининг “Улуғ салтанат” тетралогияси ана шундай асарлардан биридир.

Тарихий мавзудаги асарларда бадиий ҳақиқатнинг тарихий ҳақиқатга қанчалик мос келиши муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ёзувчи тарихий ҳақиқатни яхши ўзлаштирган бўлиши билан бирга уни юксак бадиий маҳорат билан акс эттириш маҳоратига ҳам эга бўлиши лозим. “Асалари минглаб гулларга қўниб, унинг энг асл шарбатларини эмиб, бир ерга йиғиб бол тўплаганидек, ёзувчи ҳам муайян образ(дўкондор)ни яратиш учун, кўплаб дўкондорларнинг қиёфасини белгиловчи характерли хусусиятларини, одатларини, сўзлаш одобларини, маънавиятини ва ҳоказоларини ўрганади ва уларнинг энг сараларини умумлаштириб, бир образда жамлайди”.

“Улуғ салтанат” тетралогиясида биз Муҳаммад Алининг қалами кучини, ёзувчи маҳоратининг қирраларини кўрамыз. Бу айниқса, персонажлар тилини индивидуаллаштиришда, қаҳрамонлар руҳий-маънавий оламини бадиий тадқиқ этишда психо-аналитик тасвир имкониятларидан фойдаланишдаги маҳоратида кўринади. Етакчи образлар ва персонажларнинг ички кечинмалари, муайян шароитдаги руҳий ҳолати манзараларининг бадиий тасвири тарихий воқелик моҳиятини теран англашга, композицион тугалликни таъминлашга, энг муҳими, миллий колорит яратишга хизмат қилади. Буни академик Б.Назаров ҳам тетралогиянинг биринчи китоби “Жаҳонгир Мирзо” романига ёзган сўзбошида ҳам таъкидлайди:

“Ёзувчи Амир Темур ҳамда Жаҳонгир, Умаршайх, Мироншоҳ, Шохрух Мирзолар; Сароймулкхоним, Мир Саййид Барака, Муҳаммад Султон, Халил Султон, Хонзода хоним, Гавҳаршодбегим ва бошқа ўнлаб образлар тасвирида-уларни хаёл ва хотира, қувонч ва азоб, орзу ва армон воситасида кўрсатишда “онг оқими” усулини унумли қўллайди. Тўғри, ҳар қандай “ички” тасвир “онг оқими” эмас. Лекин Муҳаммад Али аксар ўринларда ана шу “ички” тасвир ва ундаги ҳаракатни “онг оқими” даражасига кўтаради”.

“Жаҳонгир Мирзо” романида ана шундай ўринлар кўп. Бу тасвирлар асарни мукамаллаштирган, қизиқарлилигини оширган. Темурбекнинг туш кўргани, унинг таъсирида узоқ вақт Оллоҳга муножот қилгани, ғойибдан унга фатҳу зафар ёр бўлиши ҳақида каромат келгани, Оллоҳнинг ҳамма нарсага қодирлигига иймон келтириб, кўнгли равшан тортганлиги ўзига хос “онг оқими” бўлиб, унда миллий жозоба, ўзбекона тахайюл қудрати акс этган. Образнинг ички туйғуларини тасвирлаш орқали ёзувчи унинг руҳий-маънавий олами кенгликларини кашф этади,

китобхон кўз ўнгида унинг бутун улуғворлиги, донишмандона қиёфаси билан гавдалантиришга муваффақ бўлади.

Амир Темурнинг ички туғёнлари, ўй суришлари китобхонни ром этади, унинг салобати, назокати, ҳукмдор сифатида қатъийлиги, ақл-идрокининг бенуқсонлиги, адолат ва ҳиммати бепоёнлиги ҳайратга солади. Ёзувчининг бадиий ҳақиқати тарихий воқеликка омухта бўлиб кетади, соҳибқирон ҳаётидаги ҳар бир тарихий воқеа-ҳодиса ўзининг гўзал бадиий ифодасини топганлиги асарнинг бадиий қувватини оширган. Мир Саййид Барака билан учрашув олдидан Амир Темурда кечган ички ҳиссиёт ғалаёнлари ана шундай таассурот уйғотади.

Кенг майдонда оқ ридога ўралган одамнинг келаётганлигини Хизр алайҳиссаломми, деб ўйлаган соҳибқирон кўзларини юмиб олади. Шунда кўз олдида падари бузруквори Амир Тарағай ва волидаси Тегина Хотун келади. Аммо бу вақтда улар дунёдан ўтиб кетган эдилар. Унинг жангу жадалларда эришган муваффақиятларини кўришмади. Ана шундан у дилида ўкинч ҳиссини туяди. “Энди елкасига бахт қуши қўниб, юрт бошига келай деб турганда, белини боғлаб, ҳурмат-хизматини қиладиган қиблагоҳи отаси, босган изи жаннат онаси ёнида йўқ... Кейин эгачиси Қутлуғ Туркон оқа кўринди. Муштипар опаси! Мунису меҳрибон, мушфиқ опаси! Иниси учун ҳатто ўз жонини гаровга қўйишга тайёр опаси! Авваллари ҳам унча билинмас экан, Амир Тарағай билан Тегина Хотунлар у дунёга рихлат этишгач, опа-ука бир-бирларига қаттиқ суяниб қолдилар. Темурбек эгачисини бир чандон ҳурмат этса, Қутлуғ Туркон оқа бу ҳурматни икки чандонга етказиб инисига қайтарарди... Опа-ука ўртасидаги муносабатга ҳамма ҳавас билан қарарди”.

Бу тасвирларда миллий характер, ўзбекона урф-одатлар ва қадриятлар талқини сезилиб туради. Ота-онага ҳурмат-эҳтиром, қариндош-уруғчилик ришталарининг мустаҳкамлиги, ака-ука, опа-сингил, опа-укалар ўртасидаги муносабатларнинг ўзбек миллатигагина хос хусусиятлари мавжудлиги шу кичик парчада ўз ифодасини топган. Дунёни забт этиш ишқига тушган, қиличининг кучи билан ҳар қандай душманини тиз чўктира оладиган Амир Темурдек баҳодир ҳукмдор ёлғиз қолганида, ҳис-туйғуларга берилганида, ички кечинмалар тўфонига ғарқ бўлганида унинг ботиний қирралари очилади, зоҳирдаги сурати билан ботиндаги сийрати уйғунлашиб, тўлақонли бадиий тимсол китобхон кўз ўнгида намоён бўлади. Бунда ёзувчининг муносабати маълум маънода сезилиб туради. Бу тарихийлик принципи талаблари билан боғлиқ. Яъни, ёзувчи тарихий фактга асосланган ҳолда бадиий манзара яратади. Бадиий тўқима гўзал бадиий топилмага айланганда асар қаҳрамонлари китобхон кўз ўнгида тирик шахс сифатида намоён бўлади. “Онғ оқими” тасвири шу тариқа юзага келади. Бу ёзувчининг бадиий маҳорати, зукколиги, сўз қадрини баланд тутишини тасдиқлайди. Тетралогияда биз бундай ҳолларни кўп учратамиз.

Амир Темур образи талқинининг мукамал бўлишида ёзувчи унинг ички кечинмалари тасвиридан усталик билан фойдаланганлигини адабиётшунос олим, профессор Д. Тўраев ҳам таъкидлайди. Мироншоҳнинг соҳибқиронга қарши исён кўтаргани давлатга хоинлик эди. Хоинга қандай жазо берилиши маълум. Аммо жинойтчи ҳукмдорнинг ўғли! Шундай қалтис вазиятда Амир Темурни ички қарама-

қаршилик қийнайди, оғир руҳий ҳолатга тушиб қолади. Профессор Абдуғафур Расулов образлар галереясига тўхталиб, ёзувчининг уларни ўзининг ягона бадиий-эстетик мақсадига бўйсундирганлигини қайд этади. “Улуғ салтанати” да,-деб ёзади мунаққид,-одамларнинг хос муносабатлари, хатти-ҳаракатлари Сароймулкхоним, Хонзода хоним, Оққиз сингари образларда намоён бўлади. Муҳаммад Али роман ёзишга чоғланар экан, Амир Темур пойтахтининг жаннатмонанд боғ-роғларга, мухташам биноларга, равон йўлларга, пишиқ кўприкларга эга бўла борганлигини тасвирлашни кўнглига тугиб қўйган”.

Шунингдек, мунаққид тетралогияда Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оқа билан муносабатларида инсоний меҳр-оқибат, опа-укаликнинг халқимизга хос фазилат сифатида улуғлашини, Қутлуғ Туркон оқанинг Сароймулкхоним билан бева қолган Хоразм маликаси Хонзодабегимнинг қайғусига шерик бўлишлари, унинг кўнглини кўтаришга уринишлари, Олтин Ўрда шаҳзодаси Тўхтамиш ўғлон бевақт ҳаётдан кетган Жаҳонгир Мирзони эслатгани учун Соҳибқироннинг унга меҳр қўйиши, бунга Умаршайх ва Мироншоҳнинг рашки келиши, чингизий ўзбек Тўхтамишга чингизий Суюрғатмишхоннинг зиддиятли муносабатларида ҳам ўзбекона бағрикенглик, миллий урф-одатлар, анъаналар акс этганлигини алоҳида тавъкидлайди.

Бадиий асарда миллий колорит яратиш ёзувчи олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Миллий колорит яратилган асарлар хусусида гап кетса, биринчи навбатда кўз ўнгимизга А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи келади. Юсуфбек ҳожининг ҳар бир ҳаракатида, сўзларида, Отабекнинг ота-онаси олдида ўзини тутиши, уларнинг саволларига дона-дона қилиб, тавозе билан жавоб беришида ўзбек характери, халқимизнинг миллий ўзига хослиги уфуриб туради. Хайриддин Султоновнинг “Ё, Жамшид” ҳикоясидаги амма образи, унинг хатти-ҳаракатлари, укалари билан муносабатлари тасвири миллий колоритни яратиш намунасидир. “Улуғ салтанат” тетралогиясида ҳам мана шундай миллий колорит яратишнинг намуналари бор. Бу кўпроқ қаҳрамонлар ва персонажларнинг нутқларида, уларнинг ички кечинмалари тасвирида, образларнинг ўз “мен”и билан зиддиятларида, қарама-қарши фикрлар тўқнашувида намоён бўлади. Ёзувчи маҳорат билан ҳар бир персонаж такомилени воқеалар ривожининг мураккаб йўлларида бошлаб бориб, сюжетнинг асосий бўғинига боғлайди. Жаҳонгир Мирзонинг ишқий кечинмалари, Ахий Жабборнинг ўз туйғулари билан ўзи курашиши, Севинбека-Хонзодабегимнинг Жаҳонгир Мирзодан айрилиб қолган пайтдаги фиғону ноласи тасвирларида булар ёрқин кўринади.

Психо-аналитик тасвир ёзувчи бадиий маҳоратининг қай даражадалигини белгиловчи омиллардан биридир. Тетралогияда биз Муҳаммад Алини чинакам маҳоратли ёзувчи, бадиий сўз устаси сифатида кўрамыз. Шунинг учун ҳажман анча улкан бўлган тетралогиянинг романлари завқ-шавқ билан ўқилади ва китобхонда ўтмиш тарихимиздан фахрланиш ҳис-туйғуларини ўстиришга хизмат қилади.

References:

1. Umurov H. Adabiyot nazariyasi.-Toshkent: SHarq, 2002, 30-31-betlar.
2. Nazarov B. Barhayot asar.- Toshkent,SHarq, 2014, 15-bet.
3. Muhammad Ali. Ulug' saltanat, Eроpeya, Birinchi kitob, Jahongir Mirzo.-Toshkent: SHarq, 2014, 45-bet.
4. Rasulov A. Abdug'afur, Badiiylik-bezavol yangilik, Ilmiy-ommabop maqolalar, talqinlar, etyudlar. –Toshkent: SHarq, 66-bet.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ

01.00.00

ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ

PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

- 1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л..... 3
- 2 Trajectories of quadratic operators which map I_2 to itself
Juraev I.T..... 10
- 3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'r usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov..... 19
- 4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С..... 26

КИМЁ ФАНЛАРИ

02.00.00

ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ

CHEMICAL SCIENCES

- 5 Охытропис *Rosea* о'симлигининг Ефир Мойлари Таркиби
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B..... 38
- 6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиёв Т.С, Абдуллаев А.М..... 42

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

03.00.00

БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ

BIOLOGICAL SCIENCES

- 7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* l.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ф. Ш..... 50
- 8 Анатомическое строение ассимилирующих органов *eruca sativa* mill. (сем. *brassicaceae*) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б..... 56
- 9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М..... 62
- 10 Регуляция влияние 6"-п-кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М 67
- 11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н..... 72

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

05.00.00

- 12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
 Abdullayeva Sh.I..... 79
- 13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг таҳлили
 Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов..... 84

ТАРИХ ФАНЛАРИ
ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
HISTORICAL SCIENCES

07.00.00

- 14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
 Жўраев А.Т..... 89

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФИК ИЛМ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

09.00.00

- 15 Maʼkurani tahlil etishning oʻziga xosligi
 Mamatov O.V..... 95
- 16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
 Исақова З.Р..... 99
- 17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожини
 Мадримов Ж.Б..... 107
- 18 Сўфийлик таълимоти ривожини Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
 Маматов М.А..... 116
- 19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичида хотин-қизларнинг инновацион
 (тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллигини
 Ғаниев Б.С..... 122
- 20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
 Sul'tonov A.X 129
- 21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимоий-фалсафий талқин
 Амирхўжаев Ш.Қ..... 135

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

10.00.00

- 22 Ўзбек тилида антоним-синоним муносабатлар (“Ҳибатул ҳақойиқ” асари
 лексикаси мисолида)
 Сайидирахимова Н.С..... 142
- 23 Matn birliklari
 Omonov A 147
- 24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
 Будикова М.Х..... 151

25	Ўзбек тилидан инглиз тилига бадиий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикояси таржимаси мисолида) Досбаева Н.Т.....	157
26	Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси Умурзоқова М.Э.....	163
27	“Минг бир қиёфа” романида замонавий аёл муаммоси Азизов Н.Н.....	168
28	Николас Роу ижодида “Амир Темур” тасвири Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.....	172
29	Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари Тажибаева Д	177
30	Янги тушунчаларни ифодалаш усуллари Лазиза С.Х.....	182
31	Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари Рузибоев Т.....	186
32	Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари Ниязова Д.Х.....	193
33	Источниковедческий анализ тазкире “Канз аль-кутуб” Ас-Саалиби Сулаймонова Х.М.....	196
34	Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari Abduqodirov U.N.....	201
35	Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти Мардонова Л.У.....	207
36	Метонимия асосидаги иборалар Қўчқарова О.А.....	211
37	Национально-культурная специфика английских и русских слов Джуманазарова З.....	215
38	Суҳайлий шеъриятининг жанр хусиятлари Болтабоева О.Ю.....	219
39	Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида Бекназаров К.Т.....	223

13.00.00

ПЕДАГОГИКА ФАHLАРИ
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

40	Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakllantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti Boltaboyev H.H.....	231
41	Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari Azizov N.N, Azizov M.M.....	236
42	Sports lesson - time requirement Mikheeva A.....	240

43	Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ.....	245
44	Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari Azizova R.I.....	249
45	Метод shadowing в обучении языкам Жалолов Ш.....	252
46	Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati Ismoilov T, Ismoilov G'.....	257
47	How to develop listening skills for students Nazarova Y.X.....	262
48	Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили Ботирова З.А.....	266
49	Ўқув жараёнида “бумеранг” методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н.....	270
50	Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах Ботирова З.Х.....	274
51	Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi Isafov A.A.....	279
52	Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви Бекназарова З.Ф.....	282
53	Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш Қамбаров М.М.....	286
54	Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш Хусанов А.А.....	293
55	Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li Махмудова Н.А.....	298
56	Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish Azizov S.V.....	302
57	Таълимда ижодий ўйинлар Тажибоева Г.М.....	306
58	Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир Ўринова Ф.Ў.....	311
59	Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни Эргашева Ф.И.....	316
60	Особенности преподавания математики гуманитариям Устаджалилова Х, А.....	321

61	Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари Тилеуов Э.М.....	326
62	О'қувчи-юшларни faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari Abdullayeva N, Raxmonova Z.....	332
63	Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари Ортиқова З.Н.....	335
64	Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения Юнусов Ш.Т.....	338
65	Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings Kuchkarova Yana.....	343
66	Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей Нажмиддинова Х.Ё.....	348
67	Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили Нишонов М, Холмирзаева З.....	351
68	Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми Ахмедова Ш.....	356
69	Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш Тоштемирова С.А.....	361
70	Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташкил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.....	367
71	Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш Қодирова З.....	371